



«27» Декабрь 2021 у. № 01-03/1-5851 «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021-ж.

**Қорақалпоғистон Республикаси**  
**Молия вазири М.Содиқовга**

Хурматли Маҳмуд Сайдахметович!

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Ёзувчилар Уюшмасининг «Қорақалпоқ адабиёти» газетаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Газетада йил давомида қорақалпоқ тили адабиёти, ўзбек тили, рус тили, инглиз тили фанларининг истеъдодли ўқитувчиларнинг ижоди мунтазам ёритиб борилмоқда.

Бу газетанинг ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз тилларида нашр қилиниши ўзбек, қорақалпоқ ва хорижий тиллардаги адабиёт намуналарини ўқувчиларга таништириш, синфдан ташқари адабиёт дарсларини ўтиш, адабиёт тўғаракларини мазмунли ва самарали ташкил этишда катта ёрдам бермоқда.

Шунингдек ҳар бир ўқитувчининг ёш истеъдодлар билан индивидуал ишлаши, уларнинг ижодидан намуналарни «Қорақалпоқ адабиёти» газетасида мунтазам бериб борилишини таъминлаши ҳам ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда Сиздан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли ҳар бир мактаб бир нусха «Қарақалпоқ адабияти» газетаси билан таъминланиши учун маблағ ажратилишида ёрдам беришингизни сўрайман.

**Қорақалпоғистон Республикаси**  
**Халқ таълими вазири**

**Р.Реимов**

